

**СОЛИҚ ЮКИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БҮЙИЧА
РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

**Бухоро мұхандислик-технология институти үқитувчisi
Тошев Фазлиддин Зайниддинович**

Аннотация: Мақолада солиқ юкининг моҳияти ва солиқ юкини камайтириш борасидаги иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ёритилган. Солиқ юкини тартибга солиш бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси келтирилган ва уларни мамлакатимизда қўллаш йўллари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В статье освещены сущность налоговой нагрузки и основные направления реформ по снижению налоговой нагрузки. Проведено опыт развитых зарубежных стран по регулированию налоговой нагрузки и показаны пути внедрению и в нашей стране.

Annotation: The article highlights the essence of the tax burden and the main directions of reforms to reduce the tax burden. The experience of developed foreign countries on the regulation of the tax burden is carried out and the ways of implementation in our country are shown.

Таянч иборалар: Солиқлар, солиқ юки, солиқ юкини тартибга солиш, ривожланган давлатларнинг солиққа тортиш бўйича тажрибаси, солиқ қонунчилиги, солиқ ставкалари, солиқ тўловчиларга солиқ юкини тақсимлаш, солиққа тортиш маъмурчилиги, солиқ тизими даражалари.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида тадбиркорлик фаолияти учун солиқ юкини камайтиришга ва ишлаб чиқарувчиларга соликдан имтиёзлар бериш орқали уларнинг фаолиятини рағбатлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларининг асосий йўналишлари ҳам солиқ юкини тартибга солиш орқали иқтисодиёт субъектларининг манфаатларини ҳимоя



қилишга қаратилмоқда. Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтганда: “Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади. Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас” [1].

Солиқ юкининг илмий асослари ҳақида тўхталиб айтиш мумкинки, солиқ юки - солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғидаги фаолияти натижасида тўлаган солиқларининг йигиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йигиндиси ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри солиқларда эса солиқ юки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат) ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкининг бир йилда бюджетга тўланган барча мажбурий тўловлар йигиндиси билан аниқлаш мумкин.

Солиқ юкининг даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий кудратига, инфляция даражасига, давлатнинг ваколатли функцияларни қўллашига, қолаверса бозор муносабатларининг ривожланишини ва



ижтимоий ҳаракат доирасига бевосита боғлиқ бўлади. Солиқларни юридик ва жисмоний шахслардан ундириш жараёнида бериладиган имтиёзлар натижасида солиқ юкини солиқ тўловчиларнинг биридан иккинчисига юклаш жараёни кузатилади. Солиқ бўйича солиқ тўловчиларга солиқ юкини тартиблаш ёки мантиқан айтганда меъёрлаштириш муаммоси юзага келади.

Солиқ юкини ифодалашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: макродаражадаги солиқ юки, мезодаражадаги солиқ юки ва микродаражадаги солиқ юки. Солиқ юки макродаражада ифодаланганда бутун мамлакат миқёсида ифодаланиб, асосий кўрсаткич сифатида муайян вақт оралиғида давлат бюджетига келиб тушган солиқлар йиғиндисини ана шу вақт оралиғида яратилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромад (МД) га нисбати олинади. Мезодаражада ифодаланганда алоҳида олинган соҳа, тармоқ ёки секторга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланса, микродаражада эса аниқ бир олинган субъектга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланади [2].

Ривожланган мамлакатлар солиқка тортиш бўйича нисбатан кўпроқ тажрибага эгадирлар, чунки уларда замонавий кўринишдаги солиқ тизими ўтган асрнинг 60-70 йилларида шаклланган. Ўзбекистонда эса мустақилликка эришгандан сўнг солиқ тизими янгидан шакллантирилди ва бугунги кунда ислоҳотлар натижасида мўътадил тизимга айланди.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган чет эл мамлакатларида кенг имтиёзлар ва чегирмаларга эга бўлган прогрессив солиқ ставкали тўғри солиқка тортиш механизми етакчилик қиласи. Чет мамлакатларнинг бюджетни шакллантирувчи асосий солиқ ставкалари даражаси Ўзбекистон солиқ ставкаларига нисбатан анча юқоридир. Айрим солиқлар масалан, мерос ва ҳадя солиғи Ўзбекистон солиқ тизимида мавжуд эмас.

Юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг қонунчилиги инвестицияларни солиқка тортишда қулай шароитлар яратишни кўзда тутган. Ушбу мамлакатларда инвестицион солиқ кредитига амал қилиниб, тезлаштирилган амортизация қўлланилади. Бу эса ўз навбатида хусусий капитал қўйилмаларнинг ўсишини таъминлаяпти. Компанияларнинг



акциядорлик шаклида ташкил қилишнинг кенгайиши икки марта солиқса тортиш (компания даражасида ва акциядорлар даражасида) муаммосининг вужудга келиши муносабати билан фойдани солиқса тортиш таркибини қайта кўриб чиқиши тақозо этди. Бир қатор мамлакатларда (Германия, Япония, Австрия, Норвегия ва бошқаларда) корпорациялар фойдасидан олинадиган солиқнинг турли ставкалари: юқори ставкалар – тақсимланмаган фойда учун ва пасайтирилган ставкалар – тақсимланган фойда учун амал қилиб келмоқда. Бельгия, Буюк Британия, Дания, Канада, Франция ва яна бир неча мамлакатларни қонунчилиги акциядорлар дивидендларини даромад солигига тортишда солиқ кредитларини кўзда тутади [3].

Ривожланган мамлакатлардан бири АҚШда ҳам солиқ сиёсати борган сари такомиллашиб, кенгайиб бормоқда. Солиқлар иқтисодиётни ривожлантириш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. АҚШда федерал даражада Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ўхшаш маҳсус солиқ органи - Солиқларни йиғиши бошқармаси (I-R-S) тузилган. Мамлакатнинг барча эллик штатида унинг ваколатхоналари ташкил этилган. Лекин улар билан бир қаторда, ҳар бир штатнинг ўз солиқ хизмати тузилган бўлиб, бу хизматлар I-R-S га бўйсунмайди ва мустақил фаолият олиб боради. Бундай солиқ хизматлари фақат ўз штати бюджетини тўлдириш билан шуғулланади. Ҳар бир штатнинг ўз ички солиқ тизими ва қоидалари мавжуд. Америка Солиқларни йиғиши бошқармасида 102 мингдан зиёд ходим фаолият юритади. Унинг харажатлари йигилган солиқларнинг 1 фоизини ташкил этади. Штатлардаги солиқ идоралари харажатлари 2-3 фоизга етади. АҚШ солиқ тизими уч даражадан иборат бўлиб, улар: федерал солиқлар, штатлар солиғи ҳамда маҳаллий солиқларга бўлинади. Бюджет маблағларини шакллантириш ва ҳаракатлантириш Америка давлати иқтисодий сиёсатини амалга оширишда марказий ўринда туради. АҚШнинг молия тизимида федерал ҳукуматнинг бюджет механизми асосий роль ўйнайди. Энг йирик ва барқарор тушумларни таъминлаб берадиган солиқлар федерал бюджетга юборилади. Даромадлар ва харажатларнинг тахминан 70 фоизи федерал



бюджет хиссасига тўғри келади. АҚШда солиқ сиёсати ва хусусий тадбиркорликка молиявий таъсир кўрсатиш давлат томонидан тартибга солишининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Корпорация фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси АҚШда максимум 39 фоизни ташкил этади [4].

Буюк Британияда жисмоний шахслар даромад солиги 1799 йилда жорий этилган. 1960 йилдан бошлаб ишлайдиганларнинг ҳаммаси солиқ тўлайдиган бўлди. Хозирги вактда йиллига 2090 фунт стерлингча даромаддан 10 фоиз, 2090 фунтдан 32400 фунтгача даромаддан 25 фоиз, ундан юқори даромаддан 40 фоиз ставка билан солиқ тўллайдилар. Бу мамлакатда энг қадимий солиқ-герб божи (йифими) ҳисобланади (унинг жорий этилганига 300 йилдан ошди). Деярли барча ҳужжатларда герб божи тўланганлигини тасдиқловчи тамға бўлиши керак. Унинг ставкаси айрим битимлар учун 0,25 дан 2 фунт стерлингча, айрим ҳолатларда эса битим суммасидан 1-3 фоизгача бўлади. Унвон олиш, айрим хусусий фаолиятга рухсат олиш, қимматбаҳо металлардан ясалган буюмлар, дори-дармонлар, ўйин карталаридан ҳам герб йифими (божи) олинади. Ташки иқтисодий фаолиятни ривожлантириш мақсадида денгиз кемалари билан битимлар бу солиқдан озод қилинган [5].

Францияда солиқ ундириш декларацияга асосланган. Корхоналар ва жисмоний шахслар 1-апрелгача йиллик даромадлари тўғрисида солиқ органларига декларация тақдим этадилар. Корхоналарнинг соф фойдаси ва жисмоний шахсларнинг даромадлари солиқга тортилади. Даромад солиқлари умумий ҳажмида жисмоний шахсларнинг даромад солиги асосий ўрин эгаллайди. Кўшилган қиймат солиги алкоголь ичимликлар, пиво ва шифобахш сувлар, тамаки маҳсулотлари, гугурт, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар, шакар, қандолат маҳсулотлари, учиш аппаратлари ва айрим автомобилларга нисбатан қўлланилади. Унинг асосий ставкаси 18,6 фоиз бўлиб, автомобил, кино-фото товарлари, тамаки маҳсулотлари, атирупа, қимматбаҳо мўйналар 22 фоиз, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари, китоблар, дори-дармонлар учун 5,5 фоиз қилиб белгиланган.



Маҳаллий солиқларга ер солиғи, турар жой солиғи, мутахассислик солиғи киради. Ёши 75 дан ошган шахслар, махсус нафақа олувчилар, кам таъминланган шахслар ва ногиронлардан солиқ ундирилмайди. Маҳаллий ҳокимият электр энергия, телевизион рекламадан фойдаланганлик учун йиғимлар жорий этиши мумкин.

Германияда даромад солигининг 42,5 фоизи федерал бюджетга, 42,5 фоизи муниципиал (ерлар) бюджетга ва 15 фоизи маҳаллий бюджетларга тушади. Корпорация солиғига ва 15 фоизи маҳаллий бюджетлатга тушади. Корпорация солиғига иккита ставка белгиланган бўлиб, бу солиқ федерал ва ер бюджетларига teng тақсимланади. Тадбиркорлик фаолиятидан маҳаллий бюджетларга солиқ ундирилади. Ҳунармандчилик бюджетга тўлайдилар. Ер майдонлари муниципалитетлар томонидан тоифаларга ажратилиб, уларга мувофиқ солиқлар белгиланади. Ташқи иқтисодий фаолиятни қўллаб-кувватлаш мақсадида саноат корхоналари ва компанияларга 0,6 фоизли солиқ жорий қилинган, жисмоний шахслар эса 1 фоиз мулк солиғи тўлайдилар. Қўшилган қиймат солигининг улиши 28 фоиз бўлиб, даромад солиғидан кейин иккинчи ўринда туради ва у ҳам уч бюджетга тақсимланади.

Японияда давлат солиқ тушумларининг тахминан 60 фоизи бевосита солиқларга ва 40 фоизи билвосита солиқларга тўғри келади. Япония солиқ тизимида энг асосий, йирик солиқлар еттита бўлиб, улардан тўрттаси бевосита солиқлар-жисмоний шахслар даромад солиғи, корпорациялар фойда солиғи, мерос солиғи, ер солиғи ва учтаси билвосита солиқлар-истемол солиғи, акциз солиғи, транспорт солиғи ҳисобланади. Корпорациялар фойда солиғи ставкаси тақсимланадиган фойданинг 42 фоизини ташкил этади. Лекин дивиденdlар солиқдан қисман озод қилинган. Фойдаси 8 миллион иенадан ошмайдиган кичик ва ўрта корхоналар учун имтиёзли ставкалар белгиланган.

Ривожланаётган мамлакатларда ўтказилаётган ислоҳотлар тажрибасини таҳлил қилиш, мамлакатимизда солиқ соҳасида ўзгаришларни амалга оширишда фойдали сабоқларни бериши мумкин. Аммо шу ўринда миллий



иқтисодиётимизнинг ўзига хос шароитлари, аҳолининг меҳнат анъаналари ва шунга ўхшаш бошқа омилларни инобатга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Ваҳобов, А.Жўраев Соликлар ва соликқа тортиш: Дарслик.– Т.:“Шарқ” нашриёти –2009.–25-26 бетлар.
2. Шамсутдинов Ф., Шамсутдинова Ш. Чет мамлакатлар солик тизими. (дарслик) – Т.: «Iqtisod-moliya», 2010 йил. -540-б.
3. Состав и структура налоговой системы США [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.imi-samara.ru/node>
- 4.Махмудов Н.М., Адизов С.Р. Соликларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш: назария, амалиёт ва моделлаштириш. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. Т.:2014,36 б.
5. ТОШЕВ Ф. З., ПУЛАТОВ Ш. Ш. Оптимизация налогового бремени в условиях модернизации экономики Узбекистана //ВОПРОСЫ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА Учредители: ООО" Институт развития образования и консалтинга". – №. 10. – С. 58-62.
6. Azimov B., Toshev F., Raximova D. TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA.
7. Мухсинов Б. Т. МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ КОРХОНА ДАРОМАДИНИ КЎПАЙТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЎРНИ //Интернаука. – 2019. – №. 22-3. – С. 91-92.
8. Бобоев А. Ч., Рахматов Ш. А. Эволюция теоретических взглядов о предпринимательской деятельности //Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире. – 2016. – №. 13-2. – С. 94-98.

